# Ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йил январь-июнда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 10361,5 млрд. сўмни ташкил этди ва 2016 йилнинг январь-июнга нисбатан ўсиш суръати 4,6 фоизга тенг бўлди.

2017 йил январь-июнь ойларида ЯҲМ дефлятор индекси 111,2 фоизни ташкил қилди.

Январь-июнь ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби қуйидагича ифодаланади:

| | млрд.сўм | | 2016 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|---|
| | 2016 йил | 2017 йил | |
| **I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами** | **8905,8** | **10362** | **104,6** |
| шу жумладан: | | | |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 8085,5 | 9419,7 | 104,7 |
| Маҳсулотларга соф солиқлар | 820,3 | 941,8 | 104,4 |
| **II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати** | **8085,5** | **9419,7** | **104,7** |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 770,7 | 924,1 | 104,9 |
| Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) | 3333,1 | 3940,7 | 103,6 |
| саноат | 3044,7 | 3618,3 | 103,7 |
| қурилиш | 288,4 | 322,4 | 102,5 |
| Хизматлар | 3981,7 | 4554,9 | 105,5 |
| савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 902,1 | 1063,7 | 106,5 |
| ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари | 1647 | 1785,3 | 104,1 |
| бошқа хизматлари | 1432,6 | 1705,9 | 106,6 |

Январь-июнда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби (фоизда):

2016 й.




2017 й.




Жорий йилнинг январь-июнь ойларида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (106,5%), саноат (103,7%) ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (104,9%) тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келмоқда.

ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 45,6 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2016 йил январь-июнига нисбатан 2,3 фоизли бандга ошди.

2017 йил январь-июнда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 48,4 фоиз (2016 йил январь-июнда 49,2 фоиз)ни ташкил қилди.